

Халқимиз октябрь ойидан умра зиёратига боришлари мумкин



18:00 / 13.08.2021 2451

Ниҳоят бир ярим йиллик танаффусдан сўнг ўзбекистонлик зиёратчилар расмий равишда умра ибодатини адо этишлари мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим бошлиғи Муҳаммадназар домла Қаюмов бугунги жума маърузасида маълум қилган деб хабар беради, [basmala tv](#) телеграм канали.

Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси умра зиёратини ташкил этиш тадориғини бошлаган. Ҳозирда мутасадди ташкилотлар билан биргаликда барча шароитлар таҳлилий ўрганиб чиқилмоқда. Биринчи навбатда рўйхатлари сақланиб қолган, тўловни амалга ошириб, боролмай қолган юртдошларимиз аввалги навбатлари тўлиқ сақланган ҳолда боришлари маълум қилинган. Фақат асосий шарти,

бу ҳақда муқаддам эълон қилинганидек, Саудия Арабистони ҳукумати томонидан шарт қилинган тўрт турдаги вакциналаридан бири билан тўлиқ эмланган бўлиши лозим, дейилади маърузада.

Эслатиб ўтамиз, Саудия Арабистони Ҳаж ва умра ишлари вазири ўринбосари Абдулфаттоҳ ибн Сулаймон умра зиёрати учун тайёргарликлар тамомланганини маълум қилган.

10 августдан бошлаб эса хорижлик зиёратчиларга Умра зиёратини амалга оширишга рухсат берилган. Саудия Арабистони ҳукумати маълум қилишича, зиёратчилар коронавирусга қарши барча зарур чораларни кўрган ҳолда қабул қилинади. Зиёратга ташриф буюришни истаган мусулмонлар қиролликда тасдиқланган Pfizer, Moderna, Johnson & Johnson, AstraZeneca вакциналаридан бири билан тўлиқ эмланган бўлиши лозим.

Шунингдек, ҳукумат коронавирус билан боғлиқ чораларга риоя қилган ҳолда кунига 60 минг, ойига эса 2 миллион зиёратчи қабул қилинишини маълум қилган.

Манба: *Basmala TV*